

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ҚАРОР ВА ИЖРО

Электрон судлов: 388 минг мурожаат ҳал этилди

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 августдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида суд тизимидаги ишлар янада такомиллашди.

Қарор билан тасдиқланган 2017–2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурида судларда ишларнинг ўз вақтида қўрилиши устидан самарали назорат тизimini яратиш мақсадида уларнинг ишини автоматлаштириш ва фаолияти ҳақидаги маълумотларни тизимлаштириш вазифаси қўйилди.

Шу мақсадда судларга келиб тушаётган процессуал мурожаатларни қўриб чиқишни соддалаштириш, бу борада сансалорлик, бюрократизмга йўл қўймаслик мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолиятига E-SUD – миллий электрон судлов ахборот тизими жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси доирасида яратилган бу тизим мурожаат қилувчиларга қулайлик яратиш билан бирга, суд ходимлари томонидан ўз мансабига суниستهъмоил қилиш ҳолатларига барҳам беришда муҳим омили бўлаётди.

E-SUDга жорий йилнинг ўтган даврида 388 мингга яқин мурожаат келиб тушди. Шундан 227 минг 593 таси суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза, 160 мингдан зиёди эса даъво тартибидида ҳал қилинадиган аризалардир.

Электрон шаклда келиб тушган даъво аризалари ва аризалар қўйидаги тоифалардан иборат: никоҳдан ажратиш – 25,6 фоиз, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлаш – 8,07 фоиз, шахснинг ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатда исми мос келмаси, ҳужжатнинг унга тегишлилиги, тегишли эмаслиги фактини белгилаш – 7,1 фоиз, қарзни ундириш – 5,8 фоиз ва оилавий муносабатлар билан боғлиқ бошқа низолар – 5,1 фоиз. Судларга E-SUD тизими орқали келиб тушган аризалар ва даъво аризаларининг ўртача 20 фоизи аёл фойдаланувчилар томонидан берилган.

Шунингдек, судларга электрон тарзда мурожаат қилаётган адвокатлар сони ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда E-SUD тизимидан 379 нафар адвокат рўйхатдан ўтган бўлиб, улар томонидан шу йил бошидан буён фуқаролик ишлари бўйича судларга жами 8 мингга яқин электрон ариза топширилган.

Электрон судлов тизими судга мурожаат этишда қатор қулайликлар яратиш билан бирга, судлар фаолиятида очик-ошкоралик ва шаффофликни таъминлашга ҳамда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Дори воситаларига қатъий нархлар бекор қилинди

Президентнинг 20.06.2018 йилдаги «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5460-сон Фармони имзоланди.

Қатъий нархлар ўрнига – 10 фоиз савдо устамаси

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини қатъий нархларда сотиш тўғрисидаги талаб ўз кучини йўқотди.

Эслатиб ўтамиз, бекор қилинган талаб яқинда – 1.01.2017 йилдан жорий этилган эди. Қатъий нархларда сотиладиган фармацевтика маҳсулотлари рўйхати 299 та дори препаратлари (98 та маҳаллий ва 201 та четдан олиб келинадиган), шунингдек 44 та тиббиёт буюмларини (18 та маҳаллий ва 26 та четдан олиб келинадиган) ўз ичига олган. Уларга ставкаларни Бош вазир ўринбосари бошчилигидаги махсус Республика комиссияси белгиланган.

Бироқ ўзгартиришлар бозор тўлиқ либераллашганлигини аңлатмайди. Энди Рўйхатда қайд этилган четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинadиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари белгиланган нархларда сотилади. Яъни уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15%дан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20%дан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланadиган чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

Бироқ ижтимоий дорихоналар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш уларнинг сотиб олиш қиймати ёки улгуржи нархига 10% миқдорда янада паст чекланган савдо устамаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

Дори воситаси хорижда рўйхатдан ўтказилганми – Ўзбекистонда сотавериш

1.08.2018 йилдан юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини, жумладан, дори моддалари (субстанциялар) ва дори препаратларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари тан олина бошлайди.

Тан олиш:

➤ хавфсизлиги, сифати ва самарадорлиги бўйича шубҳа уйғотмайдиган дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун масъул бўлган хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларни табақалаштириш асосида;

➤ давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинadиган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларнинг тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган тақдирда амалга оширилади.

Бундай дори воситалари ушбу воситаларнинг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида давлат рўйхатидан ўтказилишида экспертиза қилинмайди.

Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (бундан кейин – ЛБМА) 20.07.2018 йилга қадар муддатда дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари мамлакатимизда тан олинadиган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар рўйхатини давлат раҳбари тасдиқлаши учун киритади.

Ушбу муддатга қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Агентлик билан биргаликда юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш натижаларини тан олиш тартибини белгилаш, дори воситаларининг



Эълон

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ҳудудларда ўтказиладиган танланма кузатувларга тушган кичик корхона ва микрофирмалар (1-КВ-йиллик маҳсулот (иш ва хизмат)лар сотишдан тушумга эга бўлган корхоналар учун, 2-КВ-янги ташкил этилган корхоналар учун, 3-КВ-сотишдан тушумга эга бўлмаган корхоналар учун) микрофирма ва кичик корхонанинг фаолиятини кузатиш сўровномасини

Интернет тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда чоракдан кейинги ойнинг 2-санасидан кечиктирмай (2018 йил 2 июлгача) топшириши лозимлигини эслатади.

Танланма кузатувга тушган кичик корхона ва микрофирмалар рўйхати stat.uz ва toshstat.uz сайтларига жойлаштирилган.

Маълумот учун телефонлар: 230-88-09, 230-88-26, 230-88-29.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.

Ушбу
сонда:

3-БЕТ

Ҳисоблагич бўлмаганда газ учун қандай тўланади: яшовчилар сони бўйича икки пропискидагилар?

4-БЕТ

Ўз ҳисобидан таътил: кимга ва қайси шартларда берилади

8-БЕТ

Паспортни амал қилиш муддати тугамагунча алмаштира ҳам бўлади

Дори воситаларига қатъий нархлар бекор қилинди



божхона расмийлаштирувига, давлат рўйхатидан ўтказилиши ва реализация қилинишига талабларни такомиллаштириш, шунингдек фармацевтика фаолиятини тартибга солувчи бошқа масалалар бўйича таклифларни ишлаб чиқади.

Бу – муҳим! Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош прокуратура ва ЛБМА билан биргаликда 1.12.2018 йилга қадар муддатда Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган дори воситаларини юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда қўллашга та-

қиқ мавжудлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилади, бундай тақлиқларни жорий этишнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганади ҳамда мамлакат ҳудудидида улар келгусида қўлланилишининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўзи илгор халқаро амалиётни ўрганиш асосида бир ой муддатда асосий касалликларнинг диагностика ва даволаш стандартлари, клиник протоколларини қайта қўриб чиқади ҳамда ҳар чорақда Ижтимоий аҳамиятта эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини қайта қўриб чиқади.

Яна бир муҳим ўзгариш – «O'zmedimpeks» ДУКнинг ижтимоий аҳамиятта эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун тиббиёт техникалари ҳамда махсус тиббиёт автотранспортини етказиб беришга доир монополияси бекор қилинди. Шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича мажбурий агент ҳисобланмайдиган бўлди.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.06.2018 йилдан кучга кирди.

Реабилитация воситалари ишлаб чиқаришга – солиқ ва божхона имтиёзлари

Президентнинг 20.06.2018 йилдаги «Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3787-сон қарори қабул қилинди.



Хужжат билан 2021 йил 1 январга қадар муддатга солиқ ва божхона имтиёзлари жорий этилди.

Биринчидан, корхоналар протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг ишлаб чиқарилган ҳажми бўйича ЯСТ ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан (ЯИТдан ташқари) озод қилинади.

Имтиёз мақсадли – бўшаётган маблағлар замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилишга, шунингдек, корхонанинг протезчи мутахассисларини ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) ва малакасини оширишга йўналтирилиши керак.

Маълумот учун: умумбелгиланган солиқларни тўловчи ташкилотларда протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, уларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан олинган фойда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан, ушбу буюмлар, инвентарь ва хизматларни сотиш бўйича оборот эса ҚҚСдан озод қилинади.

Иккинчидан, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари шакллантирилган рўйхатлар бўйича мамлакатимизга олиб кириладиган

бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, инструментлар ва приборлар, компьютер ҳамда диагностика ускуналари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилинади.

Эслатиб ўтамиз, энди божхона имтиёзларини қўллайдиган ташкилотлар мазкур имтиёзлар таъбиқ этиладиган товарлар рўйхатини мустақил равишда шакллантирадиган ҳамда уни ЛБМА қoшидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказига тақдим этадилар, унинг ижобий хулосаси импорт қилиш чоғида имтиёзнини қўллаш учун асос ҳисобланади.

Давлат органларига маҳаллий ишлаб чиқариладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари турларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш масалаларини ўрганиш вазифаси топширилди. Тегишли лойиҳалар мамлакатимизда, масалан, ЭИЗ ва КСЗ ҳудудидида амалга оширилиши лозим.

Банк секторига протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича кредит бериш тавсия этилди. Олинган кредитлар замонавий ускуналар ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни харид қилиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, протезчи мутахассисларни ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) ва уларнинг малакасини ошириш учун сарфлаш мумкин бўлади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.06.2018 йилдан кучга кирди.

Инвестиция лойиҳаларини ким бошқаради?

Президентнинг 21.06.2018 йилдаги «Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3796-сон қарори имзоланди.

Хориждан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш соҳасидаги ижро этувчи агентликлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича Лойиҳа офисининг функциялари Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси зиммасига юклатилди. Ижро этувчи агентликларнинг лойиҳаларни амалга ошириш (мувофиқлаштириш) гуруҳлари (ЛАОГ) идора бўйсунувига ўтказилди. Лойиҳа офисининг қарорлари ижро этувчи агентликлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари учун мажбурийдир.

Лойиҳа офисига қўшимча вазифалар юклатилди. Улар сирасига ЛАОГлар фаолиятини тизимли равишда ўрганиш ҳамда мувофиқлаштириш; инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди, лойиҳа ва тендер (танлов) ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқилишини назорат қилиш; инвестиция лойиҳаларининг ўз вақ-

тида молиялаштирилишини мониторинг қилиш ва бошқалар киради.

Лойиҳа офиси инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг бориши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига мунтазам равишда ахборот кириштирилади.

Бунда ижро этувчи агентликлар қуйидагилар учун масъул бўлган инвестиция лойиҳаси буюртмачиси мақомига эга бўлади:

инвестиция лойиҳасининг натижаларига доир асосий талабларни белгилаш ва уни амалга ошириш самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларига эришиш; инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди, лойиҳа ва тендер (танлов) ҳужжатлари қонун ҳужжатларида, зарур ҳолларда эса – ХМИ ва ХХМТ қўдалари ва тартиб-таомилларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

Лойиҳа офиси билан биргаликда инвестиция лойиҳаси амалга оширилишининг боришини таъсирчан мониторинг қилиш ҳамда лойиҳа ҳужжатларида тасдиқланган параметрларга эришиш устидан назоратни амалга ошириш;

инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг оралиқ ва якуний натижаларини қабул қилиб олишни ташкил этиш.

Хориж иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида халқаро консултантлар жалб этилади. Амалдаги ЛАОГлар фаолияти самарадорлиги ўрганилади ва чуқур таҳлил қилинади, шу асосда келгусида уларнинг сони қисқартирилади (бирлаштириш ёки тугатиш орқали), ходимлар сони мақбуллаштирилади.

Хориждан молиялаштириладиган лойиҳаларни бошқариш, шу жумладан давлат харидларини амалга ошириш ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш соҳасида халқаро стандартлар жорий этилади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.06.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, Олег Заманов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

• ҚАРОР ВА ИЖРО

– Электрон судлов: 388 минг мурожаат ҳал этилди 1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз 1-2-бетлар

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

– Муаммо бор, ечимни топиладими? 3-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил

– Сўнги иш ҳақи

4-бет

• ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

– Муассис ва унинг ҳуқуқлари

– Брокерсиз декларациялаш

4-бет

• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

– «Фуқаролик ҳолати даполатномаларини

қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Идоравий меъдрий-ҳуқуқий ҳужжат:

– ЎЗР МБнинг «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори 5-6-бетлар

• АВТОНОРМА

– Ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш

– Нотариал тасдиқлаш керак эмас

– Хориж тажрибасидан: автомобилларнинг электрон маълумотлар базаси 7-бет

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Олдинроқ алмаштиринг

– Паспортми ёки яшаш гувоҳномаси?

– Доимий прописка

– Стикер учун – Элчихонага 8-бет

Муаммо бор, ечими топиладими?

Хисоблагич бўлмаса, газ, электр, иссиқлик таъминоти ва совуқ сув ҳақи қандай тўланади? Пропискадагилардан биронтаси муайян сабабларга кўра ушбу манзилда анчадан бери яшамаётган бўлса-чи? Бундай вазиятлар кўп, бу ҳолда қандай йўл тутиш ҳақида аниқ қайд этилган қоидалар эса йўқ.

Тўрттаси – бор, иккитаси – дилда

Тахририятга Тошкент шаҳридан А.Абдумўминов мурожаат қилди: «Квартирада 6 киши рўйхатдан ўтказилган, амалда 4 киши яшайди. Қизим билан ўғлим хорижда ўқияпти. Менда газ ҳисоблагичи бўлмаса, газ таъминоти хизматларига қандай ҳақ тўлашим керак? Эшитишимча, ҳақиқатда яшовчи кишилар сонига қараб тўлашим мумкин экан. Бироқ тумангаз идораси ходими прописка қилинганлар сони бўйича тўлашимни талаб қилапти. Табиий газдан фойдаланиш қоидаларида бу саволга жавоб топмадим».

Бу саволни «Ўзтрансгаз» АЖнинг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий газ таъминоти филиалига йўлладик. Филиал бошлиғи в.б. А.Саидвалиевдан 1997 йилда Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тасдиқланган эски Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маиший газдан фойдаланиш қоидаларига (АВ томонидан 14.10.1997 йилда 370-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 1997 йилги Қоидалар) ҳавола қилинган жавобни олдик. Унда айтилишича, газ истеъмолини ҳисобга олиш прибори бўлмаганда табиий газ ҳақи ҳар ойда тариф бўйича ҳисобланади. Тўлов даврийлиги, муддатлари, томонларнинг жавобгарлиги шартнома билан белгиланади. Доимий яшаш жойидан ярим йилдан ортиқ муддатга чиқиб кетганда, шунингдек фуқароларнинг хусусий мулки бўлган уй-жой сотилганда ёки бузилганда уй-жойлар ва квартиралар мулкдорлари бу ҳақда газ хўжалиги ташкилотини хабардор қилишлари шарт. Саволнинг моҳияти бўйича ана шундай жавоб берилган, холос. Бунда қўллаб бошқа саволлар юзга келади.

Аввало филиал раҳбари нима сабабдан 1997 йилги эски Қоидаларга ҳавола қилапти? Шаҳар газ таъминоти ташкилоти ходимларининг сўз-

ларига қараганда, янги Табиий газдан фойдаланиш қоидаларида (ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 2-илова, бундан кейин – 2018 йилги Қоидалар) ушбу масала ечими кўриб чиқилмаган. У газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини (ГХНАТ) ҳисобга олиб тузилган. Бироқ аввалги 1997 йилги Қоидалар ҳали бекор қилинмаган. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ газ таъминоти ташкилоти вакилининг хатти-ҳаракатларига қарши таъна қилиш ўринсиз.

1997 йилги Қоидаларда белгиланишича, табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари (газ ҳисоблагичлари) бўлмаганда фойдаланилган газ ҳақи иситиладиган майдоннинг 1 м² учун 1 кишига ойлик табиий газ сарфи нормалари бўйича тўланади (24-банд).

Бироқ яшовчилар сони ўзгаргани тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш тартиби қандай? Нима учун киши фақат 6 ойдан кўп вақтга чиқиб кетаётганда хабардор қилиш керак? Ярим йил – катта муддат, бу пайтда салмоқли сумма йиғилиб қолади. Нима учун бу масала шунча йилдан буён очиклигича қолмоқда? 2018 йилги Қоидаларни ишлаб чиқаётганда нега мазкур вазиятга эътибор қаратмадилар? Норма ижодкорлари Қоидалардек глобал ҳужжатда бу масала ечимини қайд этиш ноўрин деб ҳисобласалар, бундай вазиятларни тартибга солувчи идоравий ҳужжатни ишлаб чиқиш мумкин эди. Буни ҳозир ҳам амалга ошириш мумкин. Камида 2021 йилгача масала долзарблигини йўқотмайди. Ўша пайтгача истисносиз барча истеъмолчилар тизим билан қамраб олиниши назарда тутилмоқда. Шу сабабли газчилар қонунчиликдаги камчиликларни иложи борида тезроқ бартараф этишлари лозим.



энергияси учун нотўғри тўлов ҳисобланганининг олдини олиш учун Бюро ва ҳудудий электр тармоқлари корхонасини бу тўғрида ёзма равишда хабардор қилиши шарт». Қоидаларнинг 119-бандида белгиланишича, ҳисоблагич бўлмаганда тўлов электр энергиясининг ўртача суткалик сарфи бўйича амалга оширилади ва бундай ҳисоб-китоб қилиш даври бир ойдан ошмаслиги керак, шу вақт ичида ҳисобга олиш тикланиши зарур.

Кўп квартиралар уйларида иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидалари ҳамда Истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидаларида (ВМнинг 15.07.2014 йилдаги 194-сон қарорига 1, 2-иловалар) ҳам масала ечими бор. Иссиқлик таъминотчи-

лари уни 110-бандда, сув таъминотчилари эса 114-бандда қайд этганлар. Ушбу нормаларга мувофиқ, вақтинча яшовчилар (ижарага олувчилар) яшганда тўлов амалда яшаган шахслар сони учун тўлиқ тўланади. Турар жой хонаси ҳисобга олиш асбоби билан жиҳозланмаган тақдирда истеъмолчи ўзи эгаллаб турган хонадонда яшовчи (шу жумладан, вақтинча яшовчи) фуқаролар сони кўпайганлиги ёки камайганлиги тўғрисида) юз берган ўзгаришлар кунидан бошлаб 5 иш кунидан кечикмай етказиб берувчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Бунда етказиб берувчининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вакиллари ва хонанинг мулкдори ўртасида уч томонлама далолатнома тузилади.

Нима қилмоқ керак?

Электр, иссиқлик ва сув таъминотчиларининг Қоидаларида газчиларни қараганда кўп жиҳатлар қамраб олинганига қарамай, улар ҳам аниқлаштиришни талаб этади.

Аниқ қайд этилган нормаларнинг йўқлиги кўпинча тушунмовчиликка ва низоли ҳолатларга олиб келади. Томонлар ўзаро келишиб, масаланинг мақбул ечимини топишига имкон берадиган далиллар аслида талайгина.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, истеъмолчи фақат олган хизматлар ҳақини тўлайди. Вақтинча яшамаётганлигини тасдиқлаш учун тумангаз ёки Мажбурий ижро бюросига мазкур манзил бўйича ҳақиқатда яшовчилар сони тўғрисидаги маҳалла кўмитасининг маълумотномасини тақдим этиш мумкин эди. Маълумотнома мазкур манзилда прописка қилинган фуқаро бу ерда вақтинча яшамаётганлигини тасдиқловчи далолатнома асосида берилади. Далолатномани уйбоши ва бир неча кўшни тузадилар. Дарвоқе, коммунал хизматлар етказиб берувчиларнинг кўпчилиги яшамайдиганлар учун регламент йўқлиги сабабли бундай механизмдан фойдаланадилар. Ушбу маълумотлар биллинг тизимига киритилиши ва ўзаро ҳисоблашишда инобатга олиниши мумкин. Фуқаролар рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, улар ҳақиқатда яшган жойда газ ҳақини тўлаганликлари-


ни тасдиқловчи квитанциялар, йўл ва бошқа ҳужжатлар низоли масалаларда вақтинча яшамаганлик далили сифатида хизмат қилиши мумкин.

Низоли вазиятларда иш судда кўрилиши мумкин. Истеъмолчи ҳақчилигини исботлаш учун ҳақиқатда яшовчилар сонини аниқ белгилаш имконини берувчи ҳар қандай ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Президентнинг «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармонида (15.02.2018 йилдаги ПФ-5343-сон) белгиланган яшовчиларнинг солидар жавобгарлиги яшамайдиганлар билан боғлиқ муаммони яна бир бор юзга чиқарди. Масалан, мазкур квартиrada яшамайдиган, бироқ прописка қилинган киши бошқа жойда (шаҳарда) яшаб, у ерда вақтинча прописка қилинган бўлса, қандай йўл тутиш керак? Яшамаётганлик далилини белгилловчи механизм бўлмаса, уни иккита жойда: доимий ҳамда вақтинчалик прописка қилинган жойда қарзни тўлаш бўйича солидар жавобгарликка торта оладиларми?

Фикримизча, истеъмолчилар учун муҳим бўлган ушбу масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Олег Гаевой.



Бошқаларда қандай?

Газчилар масалани ҳал этишга алоҳида ёндашишларига ҳолат йўқ. Ўзлари сингари хизматларнинг тажрибасини ўрганишлари фойдали бўлиши мумкин. Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг (ВМнинг 22-сон

қарорига 1-илова) 103-бандида белгиланганидек: «Бирор-бир сабабга кўра, электр энергиясини ҳисобга олиш прибори бўлмаган ва (ёки) мазкур турар жойда вақтинчалик яшамаётган маиший истеъмолчи электр

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътил

Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у 12 ойлик давр мобайнида жами 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги керак (МКнинг 150-моддаси).

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллари 2 тоифага ажратиш мумкин:

1) оилавий шароитларга ва бошқа узрли сабабларга кўра бериладиган. Бундай таътилни давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги томонларнинг келишувига кўра белгиланади;

2) ходимга унинг хоҳишига кўра муқаррар тартибда бериладиган (МКнинг 150-моддаси 2-қисми).

Иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бошқа ҳолларда ҳам, агар у меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда ёки бевосита меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бўлса, берилиши керак.

Масалан, асосий иш жойи бўйича ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлиги ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлигидан ортиқ бўлса, у ҳолда иш берувчи ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган таътилдан ташқари асосий иш бўйича ҳақ тўланадиган таътилни қанча давом этиши билан

ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган таътилни тафовутини ташкил этувчи кунлар учун иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришга мажбурдир (ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 17-банди).

Кириш имтиҳонлари топширишга рухсат этилган ходимларга олий ўқув юртларига кириш учун камида 15 календарь кун, муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади, ўқув юртлари жойлашган ерга бориш ва қайтиб келиш вақти бу ҳисобга кирмайди (МКнинг 254-моддаси).

Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши иш берувчининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади. Бундай таътил вақтида ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланади.

Ходим иш берувчини бу ҳақда хабардор қилган ҳолда исталган пайтда иш ҳақи сақланмаган таътилдан ишга чиқиши мумкин.

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma» МЧЖ бош эксперти.

Ходим вафот этди. Унга иш ҳақи тўлашга улеурмадик. Ходимнинг набираси унинг иш ҳақини олиши учун қандай ҳужжатларни расмийлаштириши керак?

А.Астанина, бош бухгалтер.

Сўнгги иш ҳақи

— Марҳумнинг яқинроқ қариндошлари бўлмаса ёхуд энг яқин қариндошларининг уни олиш учун ишончномасини тақдим этиб, набираси пулни олиши мумкин.

Ходим вафот этганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхаси, марҳумнинг меҳнат дафтарчаси ҳамда вафот этган кунга келиб тўланиши лозим бўлган ҳақ (ходим вафот этган кунга қадар олинмаган иш ҳақи ва фойдаланилмаган барча меҳнат таътиллари учун компенсацияни ўз ичига олади) унинг оила аъзоларига ёки унинг қарамоғида бўлган шахсларга берилади (МКнинг 162-моддаси).

Оила аъзолари деганда эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) тушунилади (ОКнинг 5-моддаси). Шу сабабли марҳумнинг набираси олинмай қолган иш ҳақини олиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Бошқа яқинроқ қариндошлари бўлмаганда набираси марҳумнинг қариндоши эканлигини ҳужжатлар (ўзи ва отаси (онаси)нинг тутилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, паспорти) билан исботлаши зарур бўлади. Вафот этган ходимга тўланиши лозим бўлган ҳақни бериш

тўғрисидаги аризага ушбу ҳужжатлар нусхаларини илова қилиш керак.

Ҳақдан ташқари, иш берувчи марҳумнинг оила аъзоларига ёки дафн этиш мажбуриятини зиммасига олган бошқа шахсларга дафн этиш маросими учун нафақа тўлаш шарт (МКнинг 288-моддаси; Низомнинг 6-банди, ВМнинг 14.06.2011 йилдаги 174-сон қарорига 1-илова). Нафақани олиш учун ФХДЁ органи томонидан берилган ходимнинг ўлими тўғрисидаги гувоҳнома ва маълумотномани тақдим этиш керак.

Валерия Ляндрес,
кадрлар хизмати ходими.



ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

Муассис ва унинг ҳуқуқлари

Давлат ташкилоти МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг муассиси ҳисобланади (49%лик улушга эга). Ички ҳужжатларда МЧЖ ҚКнинг муассисларга муайян ҳисоботларни тақдим этиши назарда тутилмаган. Муассис МЧЖ ҚКдан қандай ҳисоботлар, ҳужжатларни сўрашга ҳақли?

Б.Ибодуллаев, бош бухгалтер.

— МЧЖ муассиси жамият фаолияти тўғрисидаги барча ахборотни олишга ҳақли.

МЧЖ ташкил этилиши, фаолияти, бошқаруви тартиби «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади.

МЧЖ иштирокчиси қуйдагиларга ҳақлидир:

➢ Қонунда ва МЧЖнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

➢ қонун ҳужжатларида ва МЧЖ таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

➢ фойдани тақсимлашда иштирок этиш (Қонуннинг 8-моддаси).

МЧЖнинг уставига жамият фаолиятининг йиллик натижалари тасдиқланадиган жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш муддати белгиланиши керак. Йиғилиш молия йили тугаганидан кейин кечи билан 6 ой ичида ўтказилиши керак (Қонуннинг 31-моддаси).

Бинобарин, МЧЖ фаолиятининг йиллик натижасини айнан муассислар кўриб чиқиб, тасдиқлашлари шарт.

Сабоҳат Султонова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Ташкилот божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис малака аттестатларига эга бўлган ходимларни ишга қабул қилмоқчи. Ушбу мутахассислар божхона брокери сифатида фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномасиз ташкилотнинг юкларини декларациялашлари мумкинми?

А.Руззаматов, молиявий маслаҳатчи.

Брокерсиз декларациялаш

— Ҳа, ташкилот шартнома асосида учинчи шахсларга божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатиш ниятида бўлмаса, ўз юкларини рухсатномасиз декларациялаши мумкин.

Божхона брокери фаолиятининг моҳияти божхона операцияларини декларантнинг ёки ваколатли шахснинг топшириғига кўра ва унинг номидан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширишдан иборат.

Божхона брокерининг декларант ёки ваколатли шахс билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади.

Божхона брокери ўз фаолиятини божхона органининг рухсатномаси асосида амалга оширади.

Божхона брокери сифатида фаолиятни амалга ошириш учун рухсат этувчи талаблар ва шартлар ўз штатида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга эга бўлган ҳамда учинчи шахсларга божхона расмийлаштируви бўйича хизматлар кўрсатмайдиган ЎзР юридик шахсларига мисибатан қўлланилмайди.

Бундай хизматларни кўрсатмайдиган юридик шахс ДБК-га штатида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар мавжудлиги тўғрисида хабарнома беради. Унга штатда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ва унинг аввалги иш жойида меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг (ёки буйруқдан кўчирманинг) кўчирма нусхаси илова қилинади (БКнинг 277-моддаси).

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Реклама



«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ИДОВАРИЙ МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

– ЎзР МБнинг «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

(Кўчирма)**

Ўтган давр мобайнида туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажрлиш каби муҳим воқеа ва фактларни қайд этиш бўйича давлат хизматларини кўрсатувчи фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (кейинги ўринларда ФХД деб юритилади) органлари тизимини такомиллаштириш бўйича изчил ва тизимли иш олиб борилди.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати аҳолига ҳар томонлама ва сифатли давлат хизматларини кўрсатиш бўйича самарали механизмлар яратилишига тўққинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар борлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, ФХД органларининг мақомини, вазифа ва ваколатларини белгилаб берадиган махсус қонун мавжуд эмас, шунингдек, мазкур соҳадаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг асосий вазифа ва функциялари аниқ чегараланмаган;

иккинчидан, ФХД органлари фаолиятига замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги, қозғоқ ҳужжатлар айланишининг сақланиб қолган андозалари асоссиз молиявий харажатларга, фуқароларнинг кўп вақт кўтиб қолиши ва навбатлар юзга келишига, оқибатда, айрим ҳолларда коррупция ва бюрократия ҳолатларига олиб келмоқда;

учинчидан, ФХД органлари ва ички ишлар, соғлиқни сақлаш, васийлик ва ҳомийлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари ўртасидаги идоралараро электрон ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги туғилиш ва ўлимни сўзсиз ва ўз вақтида қайд қилиш, шунингдек, тегишли қайд этилмасдан никоҳ тузилиши ва ажрилишларнинг олдини олиш бўйича самарали мониторингнинг таъминламаяпти;

тўртинчидан, давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва тезкорлиги, ФХД органлари ходимлари томонидан ўз функционал вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизми, айниқса, масофадан назорат қилиш шакллантирилмаган, улар фаолиятини баҳолашнинг шаффоф тизими мавжуд эмас;

бешинчидан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўйича давлат хизматларини жойларга чиқиб кўрсатишнинг

кенг ва тизимли амалиёти йўқлиги, олис ва бориш қийин бўлган туманлардан ФХД органларига бориш учун транспорт харажатларининг юқорилиги, аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданияти даражасининг етарли эмаслиги туғилган болаларни туғилиш ҳолатининг тегишли қайд этилмасдан қолиши хавфини юзга келтирмоқда, бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган болаларнинг иқтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишга, жумладан, бепул тиббий ёрдам ва таълим олишига таъсир ўтказиши мумкин.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини риволантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ФХД органларининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилмаётган давлат хизматларининг сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Қуйдагилар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш институтини янада ислоҳ қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчи – ваколатли органларда туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажрлиш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш каби воқеа ҳамда фактларни кенг қамровли қайд этиш йўли билан фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш;

иккинчи – энг муҳим юридик фактларни қайд этмасдан қолдириш оқибатларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш;

учинчи – ФХД органларининг оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оила ажрлишларининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларда фаол иштирок этиш;

тўртинчи – ФХД органлари фаолиятида аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини енгилаштиришга, жумладан, ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига бормасдан хизматлар кўрсатилишига, хизматларнинг сифати ва тезкорлигини оширишга, экстерриториаллик принципи асосида архив маълумотномалари ва ахборотини олиш имкониятини

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 13.06.2018 йилда расман эълон қилинган.

**Қарор «СБХ»да кўчирмада чоп этилмоқда. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

берувчи фуқаролик ҳолати ягона электрон архивини шакллантиришга қаратилган инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этиш;

бешинчи – фуқаролик ҳолати юридик фактларини аниқлаш ва уларни ўз вақтида қайд этиш борасида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни амалга оширувчи органлар маҳаллий давлат ҳокимияти, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, васийлик ва ҳомилийк, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

олтинчи – маъзур соҳада бюрократия ва коррупция юзага келишининг олдини олишга қаратилган идоралараро электрон ҳамкорлиқни кенгайтириш орқали, жумладан, олис жойлардаги аҳоли пунктларига чиққан ҳолда («мобиль» давлат хизматлари) давлат хизматлари кўрсатишнинг мақбул ва қулай услубларини ишлатиш;

еттинчи – ФХДЭ органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида қулайлиқни ва шаффофлиқни таъминлаш, ходимлар томонидан касб этикаси қоидалари ва функционал вазифаларга амал қилиш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини сифатли ва тезкор қайд этиш, давлат божи ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ундирилиши устидан назоратнинг янги шакллари, жумладан, масофавий назоратни жорий этиш;

сақкизинчи – аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини оширишни назарда tutgan ҳолда давлат божи ставкаларини, герб йиғимларини ва ФХДЭ органлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизмат тарифларини оптималлаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5415-сонли Фармониغا асосан 2018 йил 1 июлдан бошлаб ФХДЭ органларининг ҳуқуқчи қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимини юритиш, ФХДЭнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик буйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФХДЭ органлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятлари тасарруфига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мажбуриятларни мувофиқ тақсимлаш ва жавобгарлик соҳаларига асосан:

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ФХДЭ бўлимлари ва никоҳ уйлари (кейинги ўринларда – ФХДЭ бўлимлари) фаолияти, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш устидан умумий раҳбарлиқни амалга оширади;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг ўринбосарлари – туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари раислари оилани мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз

вақтида қайд этиш, тарғибот ва маърифат буйича чора-тадбирларни қўришга шахсан масъул ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг директори ФХДЭ бўлимларида ҳуқуқчи қўллаш амалиётини самарали мувофиқлаштириш, фаолиятини методик таъминлаш, «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимини техник таъминлаш ва юритиш, шунингдек, ФХДЭ архивларига раҳбарлик қилишга масъул ҳисобланади;

туманлар (шаҳарлар) ФХДЭ бўлимлари мудири қайд қилинаётган фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг қонунийлиги учун шахсан масъул ҳисобланади.

4. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тизимини янада такомиллаштириш буйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2018 йилнинг 1 июлидан:

никоҳ шартномасини ва алимент тўлаш ҳақида келишуви нотариал тасдиқланганлик;

судлар томонидан оталиқни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек, туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўрганлик учун давлат божи ундирилиши бекор қилинсин.

6. ФХДЭ органларини, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларини ва фуқаролар йиғинларини қатъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳномалар бланкалари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъминлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус газначилик ҳисобварақига герб йиғимидан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи, шунингдек, ФХДЭ бўлимлари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқларининг махсус ташкил қилинадиган газначилик шахсий ҳисобварақларига йўналтирилади ва фақат ФХДЭ бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш буйича тадбирлари, ходимларининг узоқ муддат хизмат қилгани учун иш ҳақига устама ҳақ тўлаш ва мартаба даражалари учун қўшимчаларига, шунингдек, уларни моддий рағбатлантиришга (павозим маошининг ва мукофотларнинг 100 фоизи миқдори-гача шахсий устамалар) ишлатилади;

махсус ташкил қилинадиган газначилик шахсий ҳисобварақларига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқлари томонидан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожланти-



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1.

Тел: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

риш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2019 йилнинг 1 январидан бошлаб ФХДЭ органлари билан туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашишни йўлга қўйиш, шунингдек, туғилиш ва ўлим ҳақида ягона ноёб кодли унификацияланган электрон маълумотнома беришнинг ягона тартибини жорий қилсин;

2019 йил 1 январга қадар фертиль ёшидаги аёлларни ҳисобга олиш ва ҳомиладорликнинг эрта босқичидан чақалоқ туғилганига қадар ҳисобини олиб боришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уни «ФХДЭ ягона электрон архиви» ахборот тизими билан интеграция қилишни таъминласин.

10. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2018 йил 1 июлга қадар ФХДЭ бўлимлари томонидан фойдаланилаётган бино ва иншоотлар қисmini ҳамда уларга тегишли жиҳозлар, инвентарлар, ҳужжатлар ва бошқа мулкларнинг белгиланган тартибда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига берилишини таъминлайди;

ФХДЭ органлари томонидан фойдаланилаётган бино ва иншоотларнинг бир қисми ўз мақсадларида фойдаланиш учун адлия органларида сақланиб қолинади;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимиятларига берилган ФХДЭ бўлимларнинг бино ва иншоотларидан кейинчалик бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳамда уларни бегоналаштиришга фақат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишилган ҳолда рухсат берилади.

11. Қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш ва кейинчалик уларни ФХДЭ органларида қайд этилишини таъминлаш бўйича туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари бошчилигида 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин.

Ҳудудий комиссиялар:

2019 йилнинг 1 июлига қадар қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш нўқтаи назаридан тўлиқ хатловдан ўтказсин, унинг натижасида туғилганлик, ўлим ҳолатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ манзилли қайд этилишини таъминласин;

Ўз фаолиятида туғилганлик ҳақидаги гувоҳномами мавжуд бўлмаган болаларни аниқлашга алоҳида эътибор қилсин, бунда «Биронта ҳам бола қайд этилмасдан қолиши мумкин эмас» ва «Туғилганликни қайд этилиши – бола ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишининг ва фуқаролик бўлмаслигини олдини олишнинг ҳуқуқий асосидир» деган эзгу гояларга амал қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги:

кейинчалик «Ягона электрон ФХДЭ архиви» ахборот тизими билан интеграция қилиш учун ФХДЭ органларида сақланаётган фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини рақамли кўринишга ўтказилишини, ягона электрон ФХДЭ архив фонди шакллантиришни 2022 йил 1 январга қадар тугатсин;

далолатномалар ёзувлари маълумотларини «Ягона электрон ФХДЭ архиви» ахборот тизимига қиритиш бўйича ишларни

бажариш учун юридик шахслар билан пудрат шартномаларини тузсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 1 сентябидан давлат божи, герб йиғимлари ва бошқа тўловларни тўлашда электрон тўловлар (биллинг) механизмини тўлақонли жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 январидан бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қайд этилишида чақалоқларга жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами берилишини амалиётга жорий этсин.

13. 2021 йилнинг 1 июлига қадар муддатда фуқаролик ҳолати далолатномаларини рақамли кўринишга ўтказиш, идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган сканер қилиш қўрилмалари, сервер ва бошқа жиҳозлар ҳамда эҳтиёт қисмлар, бутловчи бўмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда қуйидагиларни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилсин:

ФХДЭ органлари ҳамда ФХДЭ бўлимлари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низоми;

ФХДЭ бўлимлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлар ва тариф коэффициентлари;

ФХДЭ бўлимларининг мартаба даражаларига эга бўлган ходимларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун бериладиган ҳар ойлик устама ҳақ миқдорлари;

мартаба даражалари учун судлар ва адлия органлари ходимларининг лавозим маошларига қўшилидиган қўшимча ҳақ миқдорлари.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К.Давлетов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 июнь
ПҚ-3785-сон.*

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛ
ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРНИ ЮРИТИШ
ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан

2018 йил 4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-10

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 11.06.2018 йилдаги 23 (835)-сон, 477-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунарига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 232-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига (рўйхат рақами 511, 1998 йил

22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Марказий банк раиси
М.НУРМУРАТОВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 28 апрель.
16/7-сон

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 7.06.2018 йилда расман эълон қилинган.

ЎзР МБ Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/7-сон қарорига
ИЛОВА

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛ
ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРНИ ЮРИТИШ
ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ
ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 1.1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1.1. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунарига мувофиқ, тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг - резидентлар ва норезидентларнинг талаб қилиб олинadиган хорижий валютадаги депозит ҳисобварақларини (кейинги ўринларда валюта ҳисобварақлари деб юритилади) юритиш қоидаларини белгилаб беради.

Валюта ҳисобварақларини очиш «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқнома»да (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) белгиланган тартибда амалга оширилади.»

2. 1.2-бандда «пластик тўлов ва кредит карточкаларидан» деган сўзлар «банк карталаридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 1.7-банд қуйидаги тахрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Банк мижозлари ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлар учинчи шахсларга Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда берилди.»

4. 1.8-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1.8. Тижорат банклари омонатчиларга тузилган шартномаларга мувофиқ омонатларни сақлашиши ва сўзсиз қайтарилиши бўйича зарур кафолатларни берадилар.»

5. 2.3-банднинг «е» кичик бандида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 3.2-бандда:

«б» кичик банднинг учинчи хатбошида «пластик тўлов ва кре-

дит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банднинг иккинчи хатбошида «божхона» ва «ваколатли банк» деган сўзлар тегишлича «божхона органлари» ва «тижорат банки» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 4.3-бандда:

«а» кичик банднинг тўртинчи хатбошида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«в) нафд хорижий валюта;».

8. 4.5-бандда:

«б» кичик банднинг учинчи хатбошида «пластик тўлов ва кредит карточкалари» деган сўзлар «банк карталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ҳисобварақ эгаси хориждан олиб келган ва Ўзбекистон Республикасига кириш чоғида божхона органларида рўйхатга олинган ёки ҳисобварақ эгаси учун тижорат банки номига қимматли жўнатма сифатида юборилган;»;

қуйидаги тахрирдаги бешинчи-саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали келиб тушган ва берилган;

банкомат (терминал) чеки асосида ҳисобварақ эгасининг банк картасидан ечилиган;

тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда топилган.

Тасдиқловчи ҳужжатлар асосида банк ҳисобварақидан ечилиган.»

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш

Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2018 йилдаги 408-сон қарори билан Автомобилларнинг воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низом талаблари автомобилларнинг воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида фаолият юритувчи барча юридик шахслар (бундан кейин — *ўқув ташкилотлари*) учун ягона ва риоя этилиши мажбурий ҳисобланади.

Шунингдек Автомобилларнинг воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари тасдиқланди.

Давлат таълим муассасалари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси ҳузиридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан берилган лицензияга эга бўлган ушбу соҳада нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш билан шугулланувчи юридик шахслар ҳудудий Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари (ЙХХБ) рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлимида (РвайОБ) ҳисобга олинган бўлишлари шарт.

Автомобилларнинг воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шугулланувчи ўқув ташкилотларининг моддий-техника ва ўқув-методик базаси давлат талабларига мос бўлиши керак.

Ўқув ташкилотининг унга мулк ҳуқуқи

ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ўқув хоналари, улардаги жиҳозлар ва ўқув автомобилларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Ўқув ташкилотининг ҳамда ижара шартномаси асосида фойдаланилаётган автомобилларнинг воситалари ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа асбоб-ускуналар билан ўқув ташкилоти томонидан таъминланиши шарт.

Ўқув ташкилотига қарашли ва ижара шартномаси асосида фойдаланилаётган барча ўқув автомобилларнинг воситалари ЙХХБнинг РвайОБда рўйхатдан ўтказилади.

Автомобилларнинг воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мuddатлари ва тартиби давлат талабларига ҳамда тасдиқланган ўқув режа ва дастурларига мувофиқ белгиланади.

Ўзига хос хусусиятлар назарда тутилган: соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ёнгил автомобилларни бошқаришга лаёқатли деб топилган ногиронлиги бўлган шахсларни ҳайдовчиликка тайёрлаш махсус ўқув дастурлари асосида амалга оширилади; кар ва кар-соқов шахсларни ҳайдовчиликка тайёрлаш умумий ўқув дастурлари асосида сурдо таржимон ёрдамида амалга оширилади.

Аёлларни «В» ва «Д» тоифаларида тайёрлашни ташкил қилишда юк автомобилларининг юк кўтариши 2,5 тоннадан, автобусларнинг йўловчилар ташвиш учун рухсат этилган сони эса 14 кишидан ошмаслиги керак.

Ўқув ташкилотидagi автомобилларнинг воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича йилгилан гуруҳлардаги тингловчилар сони 25 кишидан ошмаслиги лозим. Ўқув ташкилотларининг раҳбарлари ўқув гуруҳларида машғулотлар бошлангунча ўқувчилар рўйхатини тузишлари ва ҳудудий ЙХХБга тақдим этишлари лозим.

Автомобилларнинг воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш бўйича йилгилан гуруҳлардаги тингловчилар сони 30 кишидан ошмаслиги лозим. Таълим жараёни назарий ҳамда амалий машғулотлардан, автомобилларнинг воситалари ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш бўйича амалий машғулотлардан иборат бўлади.

Якуний назорат ва синовларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби ўқув ташкилотлари ёки уларнинг мувофиқлаштирувчи ва юқори ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқномаларда белгиланади.

Ҳайдовчиларни «С» тоифадаги автотранспорт воситаларини бошқариш учун қайта тайёрлашда юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари «В» ёки «Д» тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси, «ВЕ», «СЕ» ёки «ДЕ» тоифаларидаги автотранспорт воситаларини бошқариш учун қайта тайёрлашда тегишли равишда «В», «С» ёки «Д» тоифасидаги ҳайдовчилик гувоҳномаси тақдим этилади.

Тингловчиларнинг ҳайдовчилар малакасини ошириш курсларида билимларни ўзлаштиришини аниқлаш учун ўқув ташкилотларида якуний имтиҳонлар анимация эффектларида эга бўлган тест дастурида қабул қилинади.

Ўқув ташкилотидagi имтиҳонларни қабул қилиш учун раҳбар буйруғи билан

раис ва икки кишидан иборат имтиҳон комиссияси тузилади. Қўшимча равишда комиссия аъзолари таркибига ўқитувчилар, инструкторлар, агар ҳайдовчилар буюртмачи ташкилот учун тайёрланаётган бўлса, шу ташкилотнинг вакили ҳам киритилиши мумкин.

Тасдиқланган ўқув режаси ва дастурни тўлиқ тугатган, шунингдек барча фанлардан ижобий якунловчи баҳолар олган тингловчилар имтиҳонларга қўйилади.

Имтиҳон натижаси ҳақида комиссия раиси ва аъзолари баённома тузадилар, у ўқув ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланади ҳамда муҳр билан тасдиқланади. Автомобилларнинг воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш имтиҳон комиссияси баённомаларининг сақланиш муддати — 5 йил.

Ўқув ташкилотидagi ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таълимни тугатиб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган шахсларга имтиҳон комиссияси баённомасига асосан ўқишни битирганлиги ҳақида ягона намунадаги **гувоҳнома** берилади.

Ўқув ташкилотини автотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш дастури бўйича тугатиб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган шахсларга имтиҳон комиссияси баённомасига асосан ўқишни битирганлиги ҳақида белгиланган намунадаги **сертификат** берилади. Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг малака оширигани тўғрисидаги сертификатларнинг бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади.

Бу — муҳим! Юқорида кўрсатилган гувоҳнома ва сертификат автомобилларнинг воситалари ва шаҳар электр транспорти воситаларини бошқариш ҳуқуқини бермайди.

Зумрад Ниязметова,
адвокат.

Нотариал тасдиқлаш керак эмас

Корхона ходимнинг шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун компенсация тўлаш мақсадида буйруқ чиқаради. Буйруққа белгиланган тартибда тасдиқланган техник паспорт нусхаси қўйиладиган лозим.

«Белгиланган тартибда» дегани нимани англатади? Нусхани нотариал тасдиқлаш керакми?

В.Горьянова, бош бухгалтер.

— Йўқ, техник паспорт нусхасини нотариал тасдиқлаш керак эмас.

Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш тартибиди (ВМнинг 2.04.1999 йилдаги 154-сон қарорига 3-илова) техпаспортнинг нотариал тасдиқланган нусхаси тақдим этилиши тўғрисида назарда тутилмаган. Шу сабабли амалиётда ҳужжатнинг нусхасини асли билан солиштириб, техпаспортни корхона (ташкилот) маъмурияти ёки кадрлар хизмати тасдиқлайди. Нусхаси масъул шахс имзоси ва корхона (ташкилот)нинг асосий муҳри ёки кадрлар хизматининг таркибий муҳри билан тасдиқланади.

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Автомобилларнинг электрон маълумотлар базаси

Автомобилларнинг электрон паспортларига ўтгандан кейин Россия транспорт воситаси туруни маъқуллашнинг (ТВТМ) электрон форматини ҳам жорий этади.

Лойиҳа 2019 йил 1 январда миллий даражада жорий этилади. Е-ТВТМ ягона электрон базаси идораларга муомалага чиқарилган транспорт воситаларини аниқ кузатишда, истеъмолчиларга эса машиналар ҳақида аниқ маълумотлар олишда ёрдам беради.

Электрон ТВТМ «Электрон паспорт» АЖ (Ростех таркибига кирази) ташкил этган е-ТВП базасига интеграцияланади. Мавжуд инфратузилма асосида автомобиль ишлаб чиқарувчилар ТВТМ учун электрон шакл яратадилар ва у автомобилнинг электрон паспортига автоматик равишда қўйилади.

Автомобиль тўғрисидаги рақамланган маълумотлар истеъмолчиларга ҳам машина ҳақида аниқ ахборот, шу жумладан техник ахборот олишда ёрдам беради. Бу, мисол учун, сервис ишларини бажаришда ёки машина тавсифларини яхшилашда (тюнингда) жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда қўлчанча бозорда биргина русумдаги автомобиль импорт қилинган ёки мамлакат ичида ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин. Шу сабабли сервис ишларини бажаришда, масалан, турли деталларни ўрнатишда муаммолар юзга келмоқда.

Росстандарт вакили Алексей Кулешов қайд этганидек, автомобиль ишлаб чиқарувчи ва сертификатлаш бўлими электрон ТВТМ ахборотидан фойдалана олади. Кейинчалик автомобиль эгаси ҳам е-ТВПдаги маълумотларни кўради. Ҳужжатнинг қозғоғида версияси Евросиё иқтисодий иттифоқида аъзо бўлган барча мамлакатлар ТВТМнинг шундай форматини қабул қилгунга қадар сақланади.

Манба: «Известия» газетаси.

Олдинроқ алмаштиринг

Янги биометрик паспортнинг деярли барча варақлари муҳр билан тўлган, фақат 2 та бўш варағи қолган, мен эса навбатдаги визани расмийлаштирмоқчиман.

Ушбу асосга кўра паспортимни алмаштиришим мумкинми?

А.Котов, Тошкент ш.

— Чегарадаги назорат-ўтказиш пунктдан ўтиш ва чегара назорати штампларини қўйиш чоғида паспортдан фойдаланиш билан боғлиқ тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун яшаш жойидаги паспорт столига мурожаат қилиб, паспортингизни алмаштиришингиз мумкин. Чунончи, Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомнинг (5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова) 17-бандига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда паспорт расмийлаштирилади ва берилади:

- шахс 16 ёшга тўлганда;
 - 16 ёшга тўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётганида;
 - фарзанд хорижда туғилганида;
 - Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги олинганида;
 - паспортнинг амал қилиш мuddати тугаганида;
 - фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси ўзгарганида;
 - ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганида;
 - рўйхатга олиш (рўйхатдан чиқариш), алоҳида маълумотлар ёки визалар учун мўлжалланган бетлар ишлатилиб бўлинганида;
 - паспорт бланкаси ярқисиз ҳолга келганида;
 - паспорт йўқотиб қўйилганида.
- 2 та бўш варақ борлиги паспортни алмаштиришни рад этиш учун сабаб бўла олмайди.

Паспортми ёки яшаш гувоҳномаси?

Фуқаро 1992 йилгача Ўзбекистонда аввал вақтинчалик, кейин эса доимий пропискага эга бўлган бўлса, у биометрик паспорт олиши мумкинми?

Зокирхўжаев, Тошкент ш.

— «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун кучга кирган пайтгача, яъни 1992 йилнинг 28 июлигача унинг ҳудудида доимий яшовчи ва бошқа давлатнинг фуқароси бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублиги унинг насл-насаби, ижтимоий ва мулкӣ мавқеи, ирқӣ ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, сибсий қарашлари, диний эътиқодлари, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, қайд этиш йўли билан белгиланади (20.11.1992 йилдаги ПФ-500-сон Фармон билан тасдиқланган Низомнинг 1 бўлими 1-банди).

Доимий яшаш ҳолати паспортда доимий рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги белги борлиги билан тасдиқла-

нади. Қайд этиш тартибини Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги белгилайди.

Паспорт олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар шубҳа уйғотса ёки уларни тақдим этувчилар Низомнинг юқорида кўрсатилган бандини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олган деб ўйлашга асос бўлса, уларни тегишли текширувдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва мавжуд материалларни биргаликда кўриб чиқиш учун манфаатдор бўлинмалар хабардор қилинади.



Кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса чиқарилади, хулоса салбий бўлган тақдирда фуқаро паспорти бекор қилиниши, иш материаллари эса ажуний қарор қабул қилиш учун тергов органларига юборилиши шарт. Кўрсатилган барча таомиллар ўтказилгандан кейин паспорт столида фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси беришлари керак.

Доимий прописка

2003 йилда укам пойтахтда пропискага эга бўлмай туриб, Тошкентда ҳадя қилинган кватиррага эга бўлди.

У ҳозир Тошкентда пропискадан ўта оладими? Агар ўта олса, хатти-ҳаракат механизми қандай?

Лейла Д. Тошкент ш.

— «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун кучга киргунга қадар олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномалари асосида, қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ва хусусийлаштириш асосида, суд қарорига кўра уй-жой олган фуқаролар прописка қилинади. У Рўйхатнинг 1-бандига асосан амалга оширилади. Унда қайд этилишича, қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга прописка қилинади.

Укангиз доимий пропискага эга бўлиш учун миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- ариза;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти;
- контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

- турар жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;
- давлат бож тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Стикер учун — Элчихонага

Яқинда бошқа мамлакатда вақтинча яшашга рухсатнома олдим. Швеццияга боришим зарур. Ўзбекистон паспортида ОВИР стикери йўқ. Чиқиш штампни босиладиган ҳужжатлар рўйхатида чиқиш варағи кўрсатилган, ҳали пропискadan ўчмаётганлигим сабабли у менда йўқ.

Ўзбекистон Элчихонасида стикер олишим мумкинми?

П.К.

— Чет элга вақтинча яшашга кетган (хизмат сафарида, ўқишга, даволанишга, контракт бўйича ишлашга) ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонасида ёки консуллик муассасасида вақтинча консуллик ҳисобида турган Ўзбекистон фуқаролари стикерни расмийлаштириш муносабати билан паспорт алмаштирилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига ва консуллик муассасаларига паспорт бериш ва чет элга чиқиш учун стикерни расмийлаштириш тўғрисида белгиланган шаклда ариза билан мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ уларга кириш учун кириш визалари талаб этилмайдиган хорижий давлатлардаги ўзбекистонликлар стикерни расмийлаштириш учун Ўзбекистоннинг тегишли дипломатик ваколатхоналарига ёки консуллик муассасаларига белгиланган шаклдаги ариза билан мурожаат қилишлари мумкин.

Аризангиз расмийлаштирилади ва ТИВ орқали паспортни расмийлаштириш учун ВМ ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига ва стикерни расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси ИИБга қайта жунатилади. Паспортни расмийлаштиришнинг тўлиқ даврий мuddати 30 иш кунидан ошмаслиги керак (Тартибнинг II бўлими 5-банди, ВМнинг 6.01.1995 йилдаги 8-сон қарорига 1-илова).



Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат.
Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашр — «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терпиди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 196. Қўлға олиш — А3. Ҳажми — 2 босма таъбиқ. Басма таъбиқнинг нарҳи.
Бўғирма 295. Адади 870. Газета 2018 йил 26 июнь, сано: 18.00 да топирилади.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича — 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муқожаат қилиш мумкин.